

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 20 март, № 59 (7561) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

***— Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.***

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентимиз коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида Фармон қабул қилди. Ҳужжатга асосан, Инқирозга қарши жамғарма тузилиб, унда 10 триллион сўм шакллантирилади.

Йиғилишда Фармонда белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш, пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш масалалари муҳокама қилинди.

Коронавирус тарқалашининг олдини олиш, шифохоналарни дори, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги таъкидланди.

Юртимизда коронавирусга қарши курашиш ишларига қарийб 5,5 минг нафар тиббиёт ходимлари жалб этилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб, ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Касалланганларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактикага эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналарини экспресс-тестлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Масалан, меҳмонхона бизнесида 90 миллиард сўмлик, транспорт-логистика соҳасида 650 миллиард сўмлик, умумий овқатланиш муассасаларида 180 миллиард сўмлик, ташқи савдо корхоналарида 3,6 триллион сўмлик кредитларни қайтариш имконияти пасаймоқда. Туристик фирма ва меҳмонхоналар ҳар бир сайёҳ учун кунига 2-3 доллардан туризм йиғими тўлаб келмоқда.

Шу боис ушбу корхоналарнинг кредит муддатларини узайтириш, туристик йиғимлар ундиришни вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, пандемия сабабли фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга банклар орқали фоизсиз бюджет ссудалари ажратилади. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилади.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга камайтирилади. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилади.

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинади ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилади. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмайди.

Халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлламаслик, "яшил йўлак"лардан маҳсулот ўтказишни кўпайтириш, юк ташишда юзага келаётган масалаларни оператив ҳал этиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

***— Ҳозирги ҳолатда баъзи корхоналарнинг солиқ тушадиган базаси камайиши табиий. Лекин бу камомад нима ҳисобидан қопланиши бўйича мутасаддиларда кундалик таҳлил ва сўров бўлиши шарт, — деди Президент.***

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

Карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмайди. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилади.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишнинг йиллик режасидан қатъи назар, йиллик меҳнат таътили тақдим этилади.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектлари қуришга йўналтирилади. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилади.

Мазкур чора-тадбирларни сифатли бажариш мақсадида Бош вазир раҳбарлигида Инқирозга қарши республика комиссияси тузилиши белгиланди. Ушбу комиссия 22 мартдан бошлаб икки ой давомида ҳар бир туман ва шаҳарда коронавирусга қарши курашиш, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, логистика ва бошқа корхоналарни барқарор ишлатиш масалаларини ҳал қилиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига бозорлардаги нарх-навонинг ўзгаришини кузатиб бориб, мавжуд захирадан қўшимча маҳсулотларини савдога чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда.

Бу эса энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилади. Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, **10 трлн. сўм** миқдоридаги **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Инқирозга қарши курашиш жамғармаси) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**а) коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш**, шу жумладан:

даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш;

юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

**б)** қуйидагилар орқали **тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш**:

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш;

**в) аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш**, шу жумладан, қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш;

"Ишга марҳамат" мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

**г)** қуйидагилар орқали **иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш**:

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг сустлашиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

2. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига), халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштиришни таъминлаш мақсадида 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан **1 млрд. АҚШ доллари** миқдоригача ташқи қарз маблағларини, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, экспорт қилувчилар ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

икки ҳафта муддатда солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш орқали ишга солинмаган захираларни излаб топиш, ҳисобланган солиқлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, "яширин иқтисодиёт"-ни қисқартириш ҳамда солиқ ва божхона маъмурчилигининг янги самарали шаклларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда комплекс чора-тадбирлар ижроси ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар юзага келаётган макроиқтисодий вазиятни, шунингдек, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини аниқлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, кичик саноат зоналарига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятларни тақдим этувчи янада устувор бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга маблағларни қайта йўналтирган ҳолда Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиш;

Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ҳамда тадбиркорликни ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун харажатларни ошириш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йилда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзларининг чегаравий ҳажмларини қайта кўриб чиқиш;

(Давоми 2-бетда).

## Долзарб мавзу

# Шахсий гигиена ва санитария қоидаларига қатъий амал қилинса, касаллик асло яқин йўламайди

*Бугун дунёда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ мураккаб эпидемиологик вазият ҳукм сурмоқда. Афсуски, ушбу юқумли хасталик мамлакатимизга ҳам кириб келди. Аммо Президентимиз топшириғи ва кўрсатмалари асосида коронавируснинг кенг кўламда тарқалишининг олдини олиш бўйича жуда катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Яъни вазият тўлиқ давлат назоратида. Шу боис ортиқча ваҳима ва хавотирга берилишга асло ўрин йўқ.*

Келинг, шу ўринда мазкур инфекциянинг келиб чиқиши, тарихи хусусида айрим маълумотларни бериб ўтсак. Чунки одамларда "Бу нима ўзи, қаердан пайдо бўлди?", деган турли саволлар туғилиши табиий. Қолаверса, бугун жаҳондаги жуда кўп оммавий ахборот воситаларида "янги коронавирус пайдо бўлди", "янги вирус чиқди", деб айтиляпти, ёзиляпти. Аммо бир оз тарихга назар солсак, кўп нарса ойдинлашади.

Биласиз, 1997 йилда "парранда гриппи" чиқди, ундан кейинроқ "чўчқа гриппи" пайдо бўлди. 2010 йилда эса дунёда "туя гриппи" қайд этилди. Ваҳолонки, буларнинг барчаси бир оилага мансуб вирус ҳисобланади. Шу боис бизнинг ҳудуд учун, дунё учун аслида бу янгилик эмас. Лекин бир жиҳати борки, мазкур вирус ривожланиш даврида ўз хусусиятларини аста-секин ўзгартириб боряпти. Шу боис ҳам ҳозир бу аҳолига қандайдир янги, ваҳимали вирус бўлиб кўриняпти. Бироқ биз юқорида айтиб ўтган 1997 йилда ҳам, 2010 ва 2012 йилларда ҳам 30 дан ортиқ давлатларда мана шундай касаллик тарқалиши кузатилган. Жуда кўп талафотлар бўлган. Аммо ана шу вируслар бизнинг ҳудудга кириб келганда ҳам уларнинг кенг тарқалишига шароит бўлмаган.

Коронавирусга келсак, бу ҳам ўша вирусларнинг мутацияга учраган кўринишидир. Уларнинг асосий манбаси ҳайвонлардир. Мана, Хитой мисолида олсак, ушбу давлатда бу инфекция илонлар, кўршапалакларда аниқланди. Аслида мазкур вирус шу вақтгача ҳайвонларда бўлган.

➡ 2

## Муносабат

# Халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади

*Жорий йилнинг 18 март куни Президентимиз раислигида маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унинг аввалида коронавирус муаммоси ҳақида сўз юритилиб, айни чоғда бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди. Албатта, кўрилаётган чора-тадбирлар халқимиз сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг ушбу синовдан эсон-омон ўтиб олиши учун зарур шароит яратишга қаратилган. Мухбиримиз сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзоларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.*

3-саҳифага қаранг. ➡

## КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

*дунёда*

2020 йил 19 март ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **232 204** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **86 375** нафар, вафот этганлар сони — **9 396** нафар.

*Ўзбекистонда*

2020 йил 19 март соат 22.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **23** нафар, вафот этганлар йўқ, беморларнинг аҳволи қониқарли ҳолатда.






**Чорвачилик, қоракўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

## Таҳлил

Президентимизнинг шу йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори сўнгги уч йилда тармоқда амалга оширилган ислоҳотлар ва соҳа ривожининг барча жиҳатига давлат миқёсида қаратилган тизимли эътиборнинг мантиқий давоми сифатида баҳоланмоқда.

Унга қадар 2017 йилнинг 16 мартида мамлакатимиз раҳбарининг "Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2019 йилнинг 16 августида "Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ва ўтган йилда "Яйловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди.

Мазкур ҳужжатлар қарийб уч минг йиллик тарихий тараққиётда халқимизнинг нафақат моддий, балки улкан маънавий бойлигига айланган Бухоро қоракўлчилигининг қадим довруғини тиклаш йўлида янги қадам ҳамдир.

Жаҳон мўйначилиги тарихида Бухоро қоракўлининг ўз ўрни бор. Тарихчи ва сайёҳлар ушбу заминда қоракўлчилик ривожланганлигини ўн биринчи асрдаёқ қайд этишган. Буюк Ипак йўлининг карвонлари Европага бораркан қоракўл тери асосий маҳсулотлардан бири саналиб, Бухоронинг сур, шобдор қоракўл терилари ўз даврининг бозорларида қўлма-қўл бўлган ва ҳатто айрим бозорларда ўзаро тўлов бирлиги сифатида қабул қилинган. Бу ҳозирги замон тили билан айтганимизда, маҳсулотнинг юқори ликвидлигидан далолатдир.

Мазкур тери бугун дунё қоракўлчилигининг етакчи мамлакатлари — Афғонистон, Намибия ва Жанубий Африка Республикаларида ҳам ўзининг тарихий "Бухоро қоракўли" номи билан аталиши, мамлакатимиз қоракўлчилик ватани бўлганлигининг тан олинишидир.

➡ 8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қўшимча харажатларни мақбуллаштириш ва чеклаш юзасидан аниқ таклифларни киритган ҳолда қатъий бюджет интизоми.

4. **Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси** иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгилансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки кун муддатда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиладиган Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг ҳудудий штабларини уларнинг аниқ функция ва вазифаларини белгилаган ҳолда ташкил этсин.

**Барча даражадаги раҳбарларнинг идоравий мансуб ташкилотларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келган муаммо ва қийинчиликларни ҳал этиш мақсадида қилган мурожаатларига алоҳида эътибор қаратиш, расмиятчилик, сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин**.

5. Белгилансинки:

а) **2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача** бўлган даврда:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш микдорининг **50 фоизига қадар камайтирилади**;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори **5 фоиздан 3 фоизга пасайтирилади**;

умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан **25 фоизга камайтирилади**;

б) **2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади**;

в) қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари **2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилади**;

г) 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати **2020 йил 1 августга қадар узайтирилади**;

д) жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати **2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилади**.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан** хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган **даромадларни солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда мазкур бандда белгиланган имтиёзни 2020 йил 1 апрелдан амалга киритишни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш, шунингдек, уларнинг ставкаларини камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайтириш тавсия қилинсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этсин. Бунда, кўрсатиб ўтилган солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) солиқ тўловчиларнинг аризаси, шунингдек, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг хулосалари асосида, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади.

8. Белгилаб қўйилсинки, **2020 йил 1 октябргача** бўлган даврда:

ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади;

солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туради, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларни жалб қилиш йўли билан солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда "Солиқ хизмати" ДУК орқали солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатишни кенгайтириш чораларини кўрсин.

10. **2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилсин**, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Тадбиркорлик субъектларига:

ҳисобот йилида амалга оширилган товарларнинг умумий экспортига нисбатан **10 фоиздан** ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга;

2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хом ашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларни амалга оширишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргаликда:

юкларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуксиз божхона расмийлаштирувини, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб, импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тезкор тартибда, шу жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар бериш орқали божхона расмийлаштируви механизмини жорий этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ҳафта муддатда глобал ишлаб чиқариш занжирлари, транспорт-логистика тизимлари ва савдо алоқаларидаги узилишлар таъсир қилаётган инвестиция лойиҳалари ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар юзасидан таклифлар киритсин.

14. Ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясига 2020 йил 1 октябрга қадар **экспорт қилувчиларнинг транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун** Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **субсидиялар тақдим этиш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин**.

Ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси икки ҳафта муддатда экспорт қилувчиларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини тасдиқласин, шунингдек, барча мулкчилик шаклидаги экспорт қилувчиларнинг юзага келаётган қийинчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва тезкор ҳал қилишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган республика ҳудудларидаги қуйидагиларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни назарда тутувчи **2020** йилга қўшимча инфратузилма лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин:

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун — **400** млрд. сўм миқдорида;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, умумий фойдаланишдаги йўлларни жорий таъмирлаш учун — **1** трлн. сўм;

сув таъминоти ва канализация объектлари учун — **500** млрд. сўм;

ирригация ва мелиорация объектлари учун — **400** млрд. сўм;

соғлиқни сақлаш объектлари учун — **500** млрд. сўм;

умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари учун — **800** млрд. сўм;

иқтисодий фаоллик ва бандликни, шу жумладан, ипотека кредитлаш ҳажмларини оширишни таъминловчи бошқа объектлар учун.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши ва ўрнатилган талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

16. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга **ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади**;

коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган **ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади**.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сонини **2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга** ошириш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига **6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар** жорий қилсин;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган **мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминласин**;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда **аҳолига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тизимини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий қилсин:

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларнинг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчиларининг ота-оналарига (улар ўрнини босувчи шахсларга, васийларга, ҳомийларга) йиллик таътилдан фойдаланиш графигидан қатъи назар (шу жумладан, 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил тақдим этилади;

карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш берувчилар ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) банк ва тўлов тизимларининг узлуксиз ва барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини қуйидагилар орқали кўриш;

пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиш ҳисобига пул бозорига ҳар ойда умумий суммаси **1 трлн. сўмгача** ликвидлик тақдим этиш;

банкоматларнинг етарли миқдордаги нақд пул маблағлари билан узлуксиз таъминланиши, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришни рағбатлантириш;

б) тижорат банклари томонидан:

туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн. сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) **2020 йил 1 октябрга қадар** узайтириш;

хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;

**2020 йил 1 июнга қадар** кредит портфелини стресс-тестдан ўтказиш, шунингдек, муаммоли кредитларнинг ортиш хавфи мавжуд бўлган банкларда активлар сифатини баҳолаб бориш натижаларини тақдим этиш.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектларига кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун кафиллик ва компенсациялар тақдим этиш ҳажмларини оширишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини **500 млрд. сўмгача** оширсин.

21. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ:

бир ой муддатда "Uzbekistan Airways" АЖнинг 111 млн. АҚШ долларига тенг бўлган кредитини қоплаш графигини 2020 йил учун қарздорликлар тўловини тўхтатган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги муносабати билан кредитлар ва улар билан боғлиқ тўловларни қайтариш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича "Uzbekistan Airways" АЖнинг хорижий кредиторлари билан музокаралар олиб борсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси уч кун муддатда чекловлар амал қиладиган давр учун енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилсин ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатлари асосида бир кунлик муддатда тегишли сертификатлар берсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари ҳажмларини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш учун уларнинг биржага қўйиш ҳажмини ошириш чораларини кўрсин;

ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан импортга харид қилинадиган ва интервенция амалга ошириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ва зарур ҳажмларини аниқласин;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг бозорлардаги нархлари устидан кунлик мониторинг ўтказишни таъминласин ҳамда уларнинг нархларини сунъий ошириш, сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси озиқ-овқат маҳсулотларини шартномалар асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда, бозорни тўлдириш ва ички бозорлардаги маҳсулотлар нархларини барқарорлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли ҳажмларда сотишни таъминласин.

25. **Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А. Н. Арипов)**:

**жорий йил 22 мартдан бошлаб икки ой давомида кунлик селектор йиғилишларини ўтказиб, ҳар бир ҳудудда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, саноат, инфратузилма, транспорт ва логистика, ижтимоий соҳа объектлари, савдо тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари ижросини батафсил муҳокама қилиб борсин ҳамда уларнинг натижаларига кўра юзага келадиган масала ва муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилсин**;

**ушбу Фармоннинг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ҳафта ахборот бериб борсин** ҳамда зарур ҳолларда, инқирозга қарши курашишнинг қўшимча чоралари бўйича таклифлар киритсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чораларининг амалга оширилиши, санитария-эпидемиологик ва тиббиёт муассасаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш устидан шахсий назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг мурожаатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва бандликни таъминлаш бўйича қўшимча захиралар аниқланишини таъминласин.

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ошиб бораётган юкламани ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация инфратузилмасининг барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини қабул қилиш учун "тезкор алоқа линиялари"нинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсирини юмшатиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида аҳоли ўртасида тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни ташкил этсин.

29. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 март

# Шахсий гигиена ва санитария қоидаларига қатъий амал қилинса, касаллик асло яқин йўламайди

◄1

Инсон табиат мувозанатини фаол равишда бузиб, уларга таъсир қилганидан кейин, вирус ҳам ҳаракатланишга ўтган. Нега деганда, улар яшайдиган жой, муҳит йўқолиб кетаверган. Яъни илонлар йўқ бўлган, кўршапалаклар камайиб кетган. Шу боис вирус ўз хусусиятини ўзгартириб, инсонларга касаллик чақириши кучайиб, юқумлилиги ошиб кетди. Бунинг келиб чиқиши шундан иборат. Тўғри, хусусиятлари янги бўлиши мумкин, лекин асоси, негизи барибир эски вируслигида. Агар ўхшатиш қилсак, мана, инсоннинг характери ўзгариб туради-ку, тўғрими, бироқ инсонлиги қолади. Мазкур вирусда ҳам шундай бўлди: характери ўзгарди ва золимроқ кўринишга айланди.

**Аҳоли ўртасида "бу коронавирус деганлари гўшт ва сут маҳсулотлари орқали ҳам юқаркан", деган турли гап-сўзлар юради. Бу тушуниб-тушунмаслик, билиб-билмасликдан келиб чиққан миш-мишлардир. Лекин ақлни ишлатиб кўрсак, бу вирус жонли танада, яъни у ҳайвон бўладими ёки инсон, фарқи йўқ, фақат жонли танада учрайди.**

Энди маҳсулотлар ҳақида тўхталсак, ушбу инфекция "бананда бор экан", деган ваҳималар ҳам тарқалди. Бироқ ҳаммаси асоссиз бўҳтон бўлиб чиқди-ку. Шунинг учун тушуниб олиш керакки, сут ёки гўшт маҳсулотидан ҳеч қачон коронавирус чиқмайди. Аммо сутни яхши қайнатмасдан ичилса, гўштни обдан пиширмасдан истеъмол қилинса, бруцеллёз ёки бошқа касаллик пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун бозорларимизда, дўконларда ушбу маҳсулотларни сотишга чиқаришдан олдин яхшилаб текшириб, мувофиқлик сертификати берилади. Демак, уларни ишончли, текширилган, тегишли ҳужжатларга эга бўлган жойдан харид қилиш керак. Билиб-билмай кўчадан, нотаниш ерлардан сотиб олмаслик лозим. Чунки, масалан, сўйилган мол қанақа бўлган, касалмасмиди, буни сиз билмайсизку, кўрмагансиз. Сутда ҳам шундай. Айрим одамлар "хом сутни ичса бўлади", дейди. Йўқ, ундай эмас. Сабаби сигирда ҳам айрим ҳолларда белгисиз ўзига хос касалликлар учрайди. Сутни қайнатмасдан истеъмол қилинса, хасталикни юқтириб олиш ҳеч гап эмас. Ёки жигар маҳсулотини олайлик. Агар уни яхши пиширмасак, буям бруцеллёз келтириб чиқариши мумкин. Такрор айтаман, бундай маҳсулотларни фақат ва фақат ишончли жойдан харид қилиш зарур.

**Баҳор ойларида, жумладан, шу кеча-кундузда овқатланиш рационига, соғлом турмуш тарзига алоҳида эътибор қаратишимиз ҳар қачонгидан-да муҳим. Ҳар биримиз юқори калорияли таомларни ейишимиз зарур, лекин ёшга қараб. Ёши каттароқ кишилар ёғсизроқ, айниқса, қайнатилган гўштни истеъмол қилишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Таомномамиздан ҳар хил салатлар, турли кўкатлар жой олиши зарур. Ялпиз, редиска ва бошқа кўкатларни майдалаб тўғраб, қатиқ билан аралаштирилса, бундай егулик ҳам кўриниши жиҳатидан ёқимли, иштаҳани очувчи бўлади, ҳам қиш бўйи бир оз ҳолсизланган танамизга қувват бўлади.**

Яна шуни унутмаслик керакки, "калорияли таом", деганда фақат гўштли овқатларни назарда тутмаслик керак. Рационга тухум, дуккакли маҳсулотлар, турли сабзавотларни киритиш лозим. Шу орқали иммунитетимиз кучаяди.

Интернетда, хусусан, ҳар хил ижтимоий тармоқларда мана бу маҳсулотни анави нарсага қўшиб истеъмол қилинса, коронавирусга даво бўларкан, унинг олдини оларкан, деган гап-сўзлар кўпайиб кетди. Буларнинг аксарияти бўҳтон, ҳеч қаерда текширилмаган, илмий асосга эга бўлмаган маълумотлардир. Уларга ишонмаслик керак. Билиб-билмай ҳар нарсани истеъмол қилсак, соғлиғимизга катта хавф туғилиши мумкин. Яна шундай ҳолат ҳам кузатилмоқдаки, дунёнинг турли бурчакларида коронавирусга қарши ўтказилган тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, ҳар хил маслаҳатлар берилмоқда. Бироқ улар ўша ҳудудлардагина самарали, бизнинг юртимизга, бизнинг шароитларга мос эмас. Халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатларини ҳисобга олмасдан, вируснинг бизнинг иқлим шароитимизда ўзини қандай намоён этишини билмасдан берилган тавсиялардир. Уларга амал қилишдан олдин теран ўйлаб кўришимиз керак.

Коронавирус ҳам инсонга ўхшаб, ўзига мос жой қидиради. Унинг кенг тарқалиши учун қулай ҳудудлар денгиз қирғоқларида жойлашган, иқлими нам давлатлардир. Бизнинг иқлимда бу вирусга ўрин йўқ. Юқорида "паррандa гриппи", "чўчқа гриппи" ва бошқа касалликларни айтиб ўтдим, улар бизнинг ҳудудларда ўрнашиб қололмаган. Коронавирус ҳам кенг тарқалиши мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, вируснинг асосий яширин даври — инкубацион давр уч кундан ўн тўрт кунгача, ўртача етти кун давом этади. Инфекциянинг ўзини неча кунда намоён этиши эса инсоннинг иммунитетига боғлиқ. Кимдир заифроқ, кимдир кучлироқ бўлади. Шунга кўра, касаллик ҳар хил муддатда юзага чиқиши мумкин.

Ушбу вирусни юқтириб олмаслик, аввало, ўзимизга боғлиқ. Санитария маданияти бўйича ҳар қандай инсон кўчадан кириб келганда, энг олдин қўлини яхшилаб совунлаб ювиши зарур. Кейингина оила аъзолари билан кўришиш лозим. Афсуски, биз баъзан бу нарсага бефарқлик, эътиборсизлик билан қараймиз. Каттароқ тадбирларда элликталаб одамлар билан қўлма-қўл кўришамиз-да, кейин овқатланамиз. Чет мамлакатлардан қайтган, хасталик аниқланган фуқароларимиз ҳам мана шундай оддий гигиеник тартиб-қоидаларга амал қилганида эди, оила аъзоларига инфекцияни юқтирмаган бўларди.

Ҳозирги кунда интернетда "тозалик учун фалон кукунни олиш керак", "фалон суюқлик фойдали" деган уйдирма тавсиялар авж олмоқда. Мен қўлни ювиш учун оддий кирсовундан фойдаланишни тавсия қиламан. Ўзим ҳам, оила аъзоларим, фарзандларим, невараларим ҳам кирсовунда қўл ювишга одатланишган.

Тозаликка риоя этиш — оиладаги тартиб-тарбиянинг асосий жиҳатларидан бири бўлиши зарур. Мисол учун, бизда ана шундай анъана шаклланган. Меҳмонни неварам кутиб олса ҳам, "қўл ювадиган жой мана бу ерда", деб кўрсатиб туради. Шунга ўргатганмиз. Бунинг айби йўқ. Аксинча, ўша меҳмоннинг соғлиғига, ўзимизнинг саломатлигимизга фойда. Шундай қоидалар барча оилада одат тусига кирса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина биз ўзимизни турли касалликлардан ҳимоя қиламиз.

Давлатимиз томонидан коронавирусга қарши курашиш борасида ҳамма чоралар кўриб қўйилди. Карантин эълон қилинди, штаблар тузилди. Ҳамма тиббиёт муассасалари зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юртимизга чет мамлакатлардан кириб келган фуқароларни текшириш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ишлар йўлга қўйилди. Мутахассислар ҳам шай ҳолатга келтирилди. Энди аҳоли ҳам бу борада ўз вазифасини унутмаслиги керак. Яъни фуқароларимиз санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиши, яқинларини ҳам бунга даъват этиши лозим. Ана шунда кутилган натижага эришиш мумкин.

**Юқимли касалликлар ифлосланган қўл ёки таом орқали юқишини унутмаслик зарур. Ўзида шамоллаш асоратлари бўлган, ўткир респиратор касаллиги бор инсон, у коронавирус бўлмаслиги мумкин, ҳарорати кўтарилдими оммавий тадбирлар, масалан, тўйларга бормагани маъқул. Чунки у ердаги бошқа инсонларга ҳам инфекцияни юқтиради. Такрор айтаман, ҳозирги вазиятда қўл бериб кўришиш тўғри эмас.**

Қўлни кўксига қўйиб саломлашиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, бу бизнинг халқимизга хос одатлардан саналади. Ҳар қандай жойда овқатланишдан олдин қўлни яхшилаб совунлаб ювиш шарт. Шунингдек, таом тайёрловчи ошпазлар ҳам санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиши, масъулиятни чуқур ҳис этиши лозим.

Энг муҳими, ҳеч қачон саросимага тушмаслик зарур. Юртимизда эълон қилинган карантин даврида барчамиздан босиқлик, ҳамжиҳатлик, етти ўлчаб, бир кесиш, турли ёлғон-яшиқ гап-сўзларга учмаслик талаб этилади. Яқинда кўчада кетаётганимда, бир кекса инсон ниқоб тақиб келаётганини кўриб қолдим. Тўхтатдим. Сўрашдик. "Шамоллаганмисиз?" десам, "Йўқ" дейди. "Унда нега ниқоб тақиб юрибсиз?" деб сўрадим. "Ҳамма айтяпти-ку, тақиш керак деб, шунга", дейди у. Мен унга инсон шамолламаган бўлса, ниқоб тақиши шарт эмаслигини, уни, асосан, бемор одамлар касалликни тарқатмаслик учун тақиши зарурлигини тушунтирдим. Чунки ҳар бир одамнинг ичида микроблар бўлади. Бир-икки соат давомида ниқоб тақиб юрганда нафас орқали чиққан микроблар нафас олганимизда яна қайтиб ичимизга киради. Шу боис ниқоблардан фойдаланганда уни ҳар уч соатда ювиб, тозалаб, яна қайта тақиш тавсия этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ваҳимага тушмаслик керак. Лекин огоҳ ва ҳушёр бўлсак, оила аъзоларимиз билан юқоридаги қоидаларга амал қилсак, касаллик ҳеч қачон бизга яқин йўламайди.

***Хайрулла МУСТАФОЕВ,***
***тиббиёт фанлари доктори, профессор.***

# Халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади

1

**Абдулло АСЛОНОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Президентимиз видеоселектор йиғилиши аввалида бугунги куннинг энг долзарб масаласига тўхталиб ўтди. Яъни айни пайтда жаҳондаги эпидемиологик вазият хусусида фикр юритди. Минг афсуски, коронавирус инфекцияси мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу бутун дунё давлатлари қатори иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, махсус ишчи гуруҳи туризм, транспорт, фармацевтика ва енгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш, кечиктирилган ташқи қарздорлик учун жарима қўлламаслик тартибини жорий қилиш чораларини кўряпти. Ҳукумат томонидан қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни қўллаб-қувватлаш юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда молиявий барқарорликни сақлаш ва бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, биз, депутатлар амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, аҳолига коронавирусга қарши кураш борасида шифокорларнинг тавсиялари, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар бир инсон қатъий амал қилиши зарурлиги юзасидан тушунтиришлар олиб борамиз.

**Зафар АБДИРИМОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Видеоселектор йиғилишида ҳозирги мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Кузатаётган бўлсангиз, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда видеодарслар туркуми йўлга қўйилди. Ўқитувчилар, педагоглар "Telegram" канали орқали онлайн машғулотлар ўтказмоқда. Албатта, бу билан чекланиб қолмасдан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, фойдали ва қизиқарли бадиий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириш лозим. Ёшларимизни жаҳон ва миллий адабиётимизнинг энг ёрқин намуналари билан таништиришга нафақат ота-оналар, балки парламент аъзолари ҳам ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун масофавий таълим шаклларидан самарали фойдаланиш айни муддаодир.

Президентимиз маҳалла ва оила масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, маҳаллаларда кутубхона, маданият уйлари, кинотеатр, мусиқа ва санъат тўгараклари ташкил этиш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу юртимизда илгари сурилган беш муҳим ташаббусга уйғун бўлиб, унда биз, депутатлар ҳам фаол иштирок этишимиз зарур.

**Гулруҳ АГЗАМОВА, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Юртимизда сўнгги йилларда санитария-эпидемиология масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган аксарият шифохоналарнинг моддий-техника базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани йиғилишда танқид қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан бугунги кунда санитария-эпидемиология хизматини тубдан ислоҳ қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Очиғини айтиш керак, депутатлар томонидан тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида муайян ишлар олиб борилган, бироқ санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятига жиддий эътибор бермаганмиз. Эндиликда бу бўйича ҳам аниқ чоралар кўришимиз зарур. Бунинг учун мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланиб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби масалаларни чуқур ўрганишимиз керак. Зеро, ҳозирги шароитда жамоат саломатлигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этиш ҳар биримизнинг долзарб вазифамиздир.

**Мақсуда ВОРИСОВА, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Бугунги кунда юртимизда хавфли касаллик — коронавирус инфекциясининг тарқалиб кетмаслиги учун Юртбошимиз раҳбарлигида барча зарур чоралар кўриляпти. Мисол учун, тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди, сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди, тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун эса бюджетдан зарур маблағлар ажратилди. Айниқса, озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун ҳаракат қилинаётир. Тўғри, карантин эълон қилинган дастлабки кунларда аҳоли бир оз саросима ва таҳликага тушиб, бозорлар, савдо дўконларидан озиқ-овқат маҳсулотларини эҳтиёждан ортиқ даражада сотиб олаётгани кузатилганди. Бироқ давлатимиз раҳбари йиғилишда мамлакатимизда етарли даражада захира мавжудлиги, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқлигини алоҳида қайд этди. Шундан келиб чиқиб, кўпга келган бу синовга қарши ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим.

**Камол ЖУМАНИЁЗОВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:**

— Айни вақтда шахсий гигиена ва санитария қоидаларига риоя этган ҳолда, атроф-муҳит тозалигига ҳам жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида бу ҳақда тўхталиб, маҳаллаларнинг меъморий қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилаш, баҳорги ободонлаштириш борасидаги камчиликларни айтиб ўтди.

Мисол учун, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ишларидан одамлар норозилиги таъкидланиб, тизимни такомиллаштириш бўйича қатъий вазифалар қўйилди.

Албатта, биз, депутатлар ҳам жойлардаги мавжуд ҳолатни парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан фойдаланган ҳолда, ўрганишимиз керак. Атроф-муҳит тозалигига амал қилиш орқали ўз саломатлигимизни муҳофаза қилган бўламиз.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

---

Кластер тизими

# ЮТУҚЛАР, ТАЖРИБАЛАР, ИМКОНИЯТЛАР КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Хоразм вилоятида бўлди. Ташриф чоғида ушбу ҳудудда кластер услубининг самарали фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан бир қатор тавсия ва вазифалар белгилаб берди.*

Улар ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти туман ва шаҳар ҳокимларидан иборат делегация аъзолари 16-17 март кунлари Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги "TCT Agrocluster" кўп тармоқли агросаноат кластери фаолияти билан танишдилар.

Улар бу ерда кластер услубининг юқори самарадорлиги туфайли эришилган ютуқларга бевосита гувоҳ бўлишди.

Меҳмонларга туманнинг "Беруний" ҳудуди марказида жойлашган болалар боғчаси, пойабзал фабрикаси, Пахтазор маҳалласидаги спорт мажмуаси, "Отажонов" ҳудудида бунёд этилган маданият уйи, тикув фабрикаси, истироҳат боғи, кўп тармоқли поликлиника ва бошқа объектлар туманда кейинги йилларда эришилган ютуқлар дебочаси сифатида кўрсатилди.

"TCT Agrocluster" кўп тармоқли агросаноат кластери раҳбари Муртазо Раҳматов делегация аъзоларини мазкур тизимнинг "Tashkent Cotton Textile", "TCT Rice", "TCT Milk", "TCT Meat", "TCT Fish" каби янги лойиҳалари билан таништирди. Уларга кўра, Тошкент вилоятида пахта ва ғалла етиштириш, пахта хом ашёсини қайта ишлаш, гўшт-сут ишлаб чиқариш борасида янада юксак натижаларга эришилади. Биргина "Tashkent Cotton Textile" МЧЖ лойиҳаси биринчи босқичининг қиймати 47,3 миллион еврога тенг. У 2021 йилда фойдаланишга топширилади. Дастлабки лойиҳа калава ип йигириш имконини беради. Кейинги босқичда пахмоқ матолар тўқиш ва тайёр тикувчилик маҳсулотлари, сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу ишлар 2022-2023 йилларга мўлжалланган.

Бошқа лойиҳалар ҳам вилоят иқтисодиётини юксалтиришга йўналтирилган. 21 минг тонна шоли қайта ишланиб, 10,5 минг тонна гуруч, 5,5 минг тонна сечка, 5 минг тонна ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Оҳангарон туманида амалга ошириладиган лойиҳада 5 минг бош қорамол парваришланиб, олинган 40 минг тонна сут шу ернинг ўзида қайта ишланиб, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, сариёғ тайёрланади. Иккинчи йўналишида эса 10 минг бош чорва моли парваришланиб, 2 минг тонна гўшт етиштирилади. Колбаса ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 2 миллион АҚШ долларилик тайёр маҳсулотлар экспорт қилинади. Кластер раҳбари бу лойиҳада, ҳатто, болажонлар учун севимли бўлган бренд музқаймоқлар тайёрлаш ҳам эътибордан четда қолдирилмаганини алоҳида таъкидлади.

"TCT Fish" лойиҳаси республикамизда камёб бўлган балиқ турларини кўпайтириш, балиқ консервалари, икра ва бошқа маҳсулотларни ички ҳамда ташқи бозорга етказиб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Президентимиз ташаббуслари билан Хоразм вилоятининг барча туман ҳокимларидан иборат делегация Тошкент вилоятига келди, — дейди Гурлан тумани ҳокими Алишер Салаев. — Ташрифимиз давомида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида жорий этилган кластер тизимининг афзалликлари билан батафсил танишдик. Айниқса, "TCT Agrocluster" кўп тармоқли агросаноат кластери ишчи-хизматчиларининг пахтани қайта ишлаш соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари бизни лол қолдирди. Бу борадаги тажрибаларни туманимизда оммалаштиришни режалаштириб олдик. Қуйи Чирчиқ тажрибаси биз учун жуда катта ибрат бўлди.

— Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифи давомида туманимизда кластер тизимини жорий этишда ҳанузгача иккиланиш борлигини жиддий танқид қилди, — дейди Қўшкўпир тумани ҳокими Жўрабек Раҳимов. — Бу борада Тошкент вилоятида етарли тажриба мавжудлиги боис, у билан танишиш, ўрганиш учун ташриф буюрдик. Натижалар биз тасаввур қилгандан-да юқори. Президентимизнинг бизга билдирган эътирозлари нечоғли ўринли эканлигини англадик. Кластер тизимига ўтиш бугун ниҳоятда зарурлигини тушуниб етдик.

Суҳбатдошларимиз таъкидлаганидек, Тошкент вилоятида юксак самараларга эришаётган мавжуд кластерлар, жумладан, "TCT Agrocluster" кўп тармоқли агрокластери жамоасининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Ютуқлар, тажрибалар, имкониятлар кўлами тобора кенгаймоқда.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# Хавотир ёки ваҳимага тушишга асос йўқ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус туфайли юзага келган ҳолат ҳақида тўхталиб, ҳозирги вазият ҳаммани жипслаштириши кераклиги, ваҳима кўтариш эмас, ҳолатни тўғри ва содда тилда тушунтириш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди. Ана шундай вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республикамиз маҳаллаларида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилмоқда.*

*Бу ҳақда айрим маҳалла мутасаддиларининг фикрлари билан танишасиз.*

Акс садо

## Бозорларда нарх-навонинг оширилишига йўл қўйилмайди

Коронавирус (COVID-19) айни вақтда бутун дунёга хавф солмоқда. Эпидемиологик вазият барқарорлашгунича, айниқса, аҳоли гавжум жойларда эҳтиёт чораларини кўришимиз зарур.

Бугунги кунда ташқаридан юртимизга коронавирус ва бошқа ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мувофиқлаштириш штаби ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш марказининг ҳудудий бўлимларида жами 34 мутахассисдан иборат 17 дезинфекция гуруҳи тузилган, мазкур гуруҳлар зарур восита ва жиҳозлар, махсус автомашиналар билан таъминланган.

Ҳудудга юқумли касалликлар, жумладан, COVID-19 инфекцияси кириб келишининг олдини олиш мақсадида, давлатимиз чегараларидаги 3 та божхона постида санитария-карантин пунктлари иш олиб бормоқда.

Шунингдек, Оролбўйидаги 413 та маҳалланинг ҳар бирида маҳалла раислари, мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, депутатлар, маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Гуруҳ аъзолари томонидан коронавирус инфекциясининг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича барча чора кўрилмоқда.

Коронавирус туфайли таълим муассасалари фаолияти, оммавий тадбирлар ўтказилиши вақтинча тўхтатилди. Лекин ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, муассасалар, бозорлар, савдо мажмуалари, дўконлар, жамоат транспорти бир маромда ишламоқда.

Бу борада ишларни қатъий режа асосида, тизимли ташкил этиш ва тарғибот-тушунтириш олиб бориш кутилган натижаларни беради.

Шу боис хотиржамликка берилмай, барчамиз ушбу инфекциянинг юқиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳушёр бўлиб, эҳтиёт чораларини кўришимиз зарур.

**Сағиндиқ ТУРМАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири.**

## Эҳтиёт чоралари вақтинчалик эканини барча яхши англамоқда

Ҳудудимизда маҳалла фаоллари, кўча боши ҳамда уй бошқарувчилар, маҳалла аҳолисига бириктирилган оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда ҳар бир оила билан коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилиб, вирусни юқтириб олмаслик учун санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, энг муҳими, ваҳима кўтаришга асос йўқлиги бўйича тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Маҳалламизда жойлашган барча дорихоналарга маҳалла фаоллари бириктирилган бўлиб, улар томонидан тиббий ниқоб ва бошқа зарур тиббий маҳсулотларнинг нархини сунъий равишда оширмаслик юзасидан тушунтириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича фатвосига кўра, оммавий тарзда ўтказиладиган диний маросимлар, ибодатлар ва шу каби тадбирлар вақтинчалик чекланди. Жумладан, масжидларда кунлик жамоат намозлари ва жума намозларини адо этиш вақтинчалик тўхтатилди. Маҳалламиз аҳолисига барча диний ибодатларни ўз уйларида амалга ошириш тавсия этилди.

Эътиборли жиҳати, юртдошларимиз бу чекловлар вақтинчалик эҳтиёт чоралари эканлигини яхши англамоқда. Шундай бўлса-да, халқимиздан ўрнатилаётган тартибларни босиқлик билан қабул қилиш ва турли асоссиз, ваҳимали хабарларга ишонмасликни сўраб қолардик.

**Донохон МАМАЖОНОВА,**
**Фарғона шаҳридаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

---

Биз ва жаҳон

# АҚШнинг энг кучли «ақл маркази»

## Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида

*Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги мавқеини янада ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш мақсадида Американинг "Gallup, Inc." таҳлилий ва консалтинг компанияси вице-президенти Жон Клифтон билан музокара ўтказилди.*

"Gallup, Inc." 1935 йилда Жорж Гэллап томонидан асос солинган бўлиб, у жамоатчилик орасида сўровлар ўтказиши билан машҳур. 1980 йил бошларида компания бутун дунё учун таҳлил ва бошқарув бўйича маслаҳатлар беришни йўлга қўйган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг топшириғига биноан, ташкилот ҳар йили "Жаҳоннинг бахтиёрлик ҳисоботи" (World Happiness Report)ни тайёрлашда иштирок этади. Айни пайтда "Gallup" компаниясининг 20 дан ортиқ мамлакатларда 30 та ваколатхонаси фаолият юритади.

Дипломатик ваколатхонамизнинг хабар беришича, музокара давомида АҚШ томони Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик фаолияти, айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлди.

Жон Клифтон юртимиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини таъкидлаб, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди.

Эътиборлиси, "Gallup" вице-президенти Ўзбекистон ҳукумати билан таълим соҳасини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва бошқа соҳаларда маслаҳатчи сифатида ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Мутасаддининг сўзларига кўра, "Gallup" 2005 йилдан буён 160 дан зиёд мамлакатлар фуқаролари орасида сўровномалар ўтказиб келмоқда. Бу дунё аҳолисининг 98 фоизини ташкил этади.

Глобал индексларни тузишда қонун устуворлиги, муносиб озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш, инфратузилма, яхши иш жойи, фаровонлик ва ақлий ривожланиш каби мезонлар асос қилиб олинади.

2019 йилда Ўзбекистон "Gallup" рейтингида 41-ўринни эгаллади ва МДҲдаги "Энг бахтли мамлакат" дея топилди. Ушбу рўйхат давлатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, умр кўриш давомийлиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эркинлик ва коррупция даражаси каби кўрсаткичлар бўйича баҳоланади.

Жорий йилги "Жаҳоннинг бахтиёрлик ҳисоботи" бугун, 20 март куни эълон қилинади.

**«Халқ сўзи».**

---

# Маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш — ҳаётий зарурат

*Юртимизда ҳуқуқий демократик институтлар ривожланган сари маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳам ўзгариб бормоқда. Унинг иш услуби тубдан ўзгарди, ваколатлари фуқаролик жамияти институтларига аста-секинлик билан ўтказиб борилятпи.*

Сенатор мушоҳадаси

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти таҳлили бугунги кунда уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал қилишдаги ўрни юксалаётганини кўрсатмоқда. Ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Айниқса, 2019 йилда бўлиб ўтган сайловлардан сўнг маҳаллий Кенгашлар ва улардаги доимий комиссиялар фаолияти сезиларли даражада жонланди. Масалан, маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдан тортиб, қонунлар, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш ҳамда Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларни рўёбга чиқариш борасида аниқ амалий чоралар кўрилаётир.

Олий Мажлис Сенати комиссия ва қўмиталари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида ҳамкорлик қилмоқда. Чунончи, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг амалий ёрдами ва тавсиялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада маҳаллий Кенгашлар фаолияти тобора кўлам ва салмоқ касб этиб боряпти. Буни кейинги пайтларда туман (шаҳар)лар сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган масалалар долзарблиги ва муҳокама якунлари юзасидан қабул қилинаётган қарорлар сифати ва таъсирчанлиги бирмунча ошгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир. "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонундан ҳам айни шу мақсад кўзланган эди. Шунинг учун партиялар фракциялари вазирлик ва қўмиталар устидан, партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари эса вазирлик ҳамда қўмиталарнинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари фаолияти устидан самарали парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатиши керак.

Маълумки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қабул қилган қарорларнинг жойлардаги ижроия ҳокимияти органлари томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлаш бу тузилмалар иши самарадорлигининг зарур шартларидан биридир. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга кўра, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, биринчи навбатда, унинг доимий комиссиялари зиммасига юклатилади.

Шунга қарамай, таҳлиллар маҳаллий Кенгашлар назорат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қатор бўшлиқлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Яъни "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий Кенгашларда депутатлик назоратини амалга ошириш механизмлари ҳамда депутатлик назоратининг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас. Бундан ташқари, депутатлик назорати шаклларини, хусусан, депутат сўровини юбориш ва жавоблар олиш, сўровлар юзасидан мансабдор шахсларнинг ўз вақтида жавоб қайтариши механизмлари тўлиқ белгиланмаган. Сўровларда белгиланган масалаларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ижро ҳокимиятининг айрим раҳбарлари эътиборсизлик ва ҳаракатсизликка йўл қўйиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган депутат сўровларида кўтарилган масалалар ҳал этилмай қолмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, "Вакиллик назорати тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблайман. Унда назорат олиб борувчи субъектлар (халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар, партия гуруҳлари), унинг объектлари (маҳаллий ижроия органлари раҳбарлари, унинг ўринбосарлари), назорат шакллари (тегишли тартибда ҳоким, молия бўлими раҳбари, солиқ бошқармаси бошлиғи, прокуратура, ички ишлар бўлими бошлиқлари каби ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг долзарб масалалар бўйича ҳисоботини эшитиш тартиби, муддатлари ва ҳоказо), сўров юборувчи субъектлар (масалан, маҳаллий Кенгашда фаолият юритаётган партиянинг депутатлик гуруҳи сўрови ҳамда депутат сўровини алоҳида аниқ қилиб ёритиш ва сўровни юборишнинг қонуний тартибини ишлаб чиқиш), маҳаллий Кенгаш текшируви (тегишли ҳудуднинг манфаатларига дахлдор, унинг барқарор ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказувчи омилларни ўрганиш мақсадида Кенгашдаги мавжуд доимий комиссиялар томонидан уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш) каби масалалар қамраб олиниши мақсадга мувофиқ.

Бу эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорларни ҳудудларда ижро этиш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни бажариш борасидаги фаолияти устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш имконини беради. Шу боис маҳаллий Кенгаш аъзоларининг депутат сўрови, эшитуви ва назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишнинг аниқ меъёрий қоида ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликда акс эттириш лозим.

Бугунги кунда маҳаллий ижроия органларидаги ташкилий-назорат бўлими таркибидаги депутатлар билан ишлаш секторлари мавжуд. Бироқ улар томонидан олиб борилаётган аксарият ишлар бевосита ижро ҳокимияти фаолияти йўналиши билан чекланиб қоляпти. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг тўлиқ ва тўғри ижросини ташкил этиш ҳамда уни назоратга олиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида жойлардаги ижроия ҳокимиятининг тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги доимий вакили лавозимини жорий этиш лозим. Ушбу вакил сессия кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлаш ишларини, сессиялар оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот тайёрлаш ва депутатларни хабардор қилиш, қабул қилинган қарорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишни ташкил этиш ва доимий комиссиялар, партия гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Бу тизим маҳаллий ижроия ҳокимияти ва вакиллик органларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга ҳамда амалий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Маҳаллий Кенгашлар, Олий Мажлисдан фарқли ўлароқ, жойлардаги газеталарни ҳисобга олмаганда, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларининг қарорларини эълон қилиб бориши мумкин бўлган ўз матбуот органига эга эмас. Бу ҳам депутатлар корпуси олиб бораётган ишлардан аҳолини хабардор қилишга тўсқинлик қилаётгани сир эмас. ОАВда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида қабул қилинадиган қарорлар кам ҳолларда эълон қилинади.

Шундай экан, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорларни расмий газеталар ва веб-сайтларида ёритиб боришга қаратилган нормаларни халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентида аниқ қилиб белгилаб қўйиш зарур. Ўз навбатида, маҳаллий вакиллик органлари томонидан қабул қилинган қарорларни расмий интернет нашрлари (парламент, вилоят ҳокимликлари ва сиёсий партияларнинг расмий сайтлари)да алоҳида-алоҳида ёритмасдан, махсус интернет сайтини (масалан, *www.xdmk.uz*) ташкил этиш лозим. Унда республикадаги барча маҳаллий Кенгашлар депутатларининг маълумотлари, қабул жадваллари, ўз сайловчилари билан мунтазам алоқа қилиб туриш учун махсус илова дастурлари берилади. Бу ҳар бир сайловчига ўз депутати билан бевосита онлайн тарзда мулоқот қилиш имкониятини яратади.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси.**

## Депутат фикри

*Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ этиш, қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунологлар тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтириш кераклиги бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган эди.*

# Озиқ-овқат хавфсизлигига барча бирдек масъул

Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар айтиб ўтилди.

Инсон учун энг муҳим бойлик, бу — унинг саломатлигидир. Уни таъминлашнинг 55 фоизи эса соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишга боғлиқ. Шу боис давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳар бир қишлоқ ва шаҳар поликлиникаларига, врачлик пунктларига тўғри овқатланиш, гигиена ва жисмоний тарбия бўйича мутахассис штатлари ажратилишини таъкидлади. Бу ҳар бир фуқаронинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда катта ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан айтганда, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ушбу йўналишда айрим камчиликлар кўзга ташланаётгани ачинарли. Хусусан, мамлакатимизга олиб кирилаётган пальма ёғи ва унинг асосида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигига таъсири тўғрисидаги масала бугун ҳар қачонгидан долзарблик касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, охирги йилларда мамлакатимизга ўртача 50 минг тоннадан ортиқ пальма ёғи импорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган даврида эса юртимизга 16 минг тоннадан зиёд пальма ёғи кириб келган. Пальма ёғи импорти кескин ўсаётгани парламент вакилларини хавотирга соляпти, аҳолининг эса ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Нима учун? Чунки ушбу маҳсулотлар таркибида бегона ёғларнинг миқдори 2 баробардан юқоридир.

Пальма ёғи парчаланиши қийин бўлган қуюқ мой (трансжир)лар сирасига киради. У хона ҳароратида туси ва таъмини, қуюқлигини ўзгартирмайди. 40 — 42 даража иссиқликдагина эриш-суюлиш жараёни кузатилади. Энди тасаввур қилинг: инсон танаси ҳарорати 36,6 даражани ташкил қилади. Демак, пальма ёғи организмда парчаланмай қолиб кетади.

Энг асосий масала, мамлакатимизга кириб келаётган пальма ёғи техник (ноозиқ-овқат маҳсулотлар учун ишлатиладиган) пальма ёғими ёки озиқ-овқат маҳсулотлари учун фойдаланиладиган пальма ёғими? Бу саволга аниқ жавоб борми?

Қайд этиш жоиз, ушбу долзарб масала аввалги чақириқда депутатлар томонидан кўтарилган, парламент аъзолари таклифи бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, мавжуд ҳолатни чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқаришга келишилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлиси баёнида ўтган йилги Давлат дастури ижроси юзасидан импорт қилинаётган пальма ёғини озиқ-овқат саноатида ишлатиш билан боғлиқ вазиятни ўрганиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идораларга вазифалар юклатилиб, тегишли муддатлар белгиланганди.

Бироқ Ҳукуматнинг ушбу масала бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасида белгиланган импорт қилинаётган пальма ёғини озиқ-овқат саноатида ишлатиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш натижаси бўйича топшириғи ижроси номаълумлигича қолмоқда.

Айни пайтда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар шароитида озиқ-овқат хавфсизлигига эътибор қаратиш зарур ва шарт. Зеро, мамлакатимизда инсон саломатлиги барча нарсадан устун.

**Нуриддин СУЛТОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

# Ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди

*Сўнгги йилларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бинобарин, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти.*
*Аёл юртдошларимиз номзоди масъулиятли лавозимларга кўрсатилмоқда.*

*И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директорининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Эльзара ЮЗЛИКАЕВА билан суҳбатимиз бу борадаги ишларнинг аҳамияти ҳақида бўлди.*

## Интервью



**— Эльзара Решатовна, аёлларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг турли соҳада ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш, янада аниқроқ айтганда, жамият ҳаётининг барча соҳасида масъул лавозимларга тайинланишидан кўзланган мақсад нимада, деб ўйлайсиз?**

— Бугун ривожланган давлат қуриш сари одимлаётган ҳар қандай мамлакат бирор устувор вазифани аёллар иштирокисиз ҳал эта олмайди. Тарих ва бугунги тажриба буни исботлаб турибди. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди.

Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари ғоят муҳим роль ўйнагани аён бўлади.

Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, аёллар ҳамиша маънавий ва ахлоқий фазилатларнинг соҳибалари бўлганлар. Улар фақат хонадон кўрғони эмас, балки кўп асрлик донишмандлик ва маънавий қадриятлар асровчиларидир.

Шу маънода, Ўзбекистонда аёлларга юксак ишонч билдирилаётгани тасодиф эмас, аксинча, чуқур мазмун-моҳиятга эга. Қолаверса, хотин-қизларнинг масъулиятли лавозимларга тайинланиши илдизлари ҳам теран.

**— Илм-фан билан шуғулланган аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш тарихий томирлардан озиқланади...**

— Дарҳақиқат, шундай. Мирзо Улуғбек Бухорода бино қилинган мадраса пештоқига "Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир", деган сўзларни ёздирганини биламиз. Ушбу мадраса дунё меъморчилигининг бебаҳо намуналари қаторига киритилган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган. Темурийлар салтанатида хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин — барчанинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

Мен учун тарихнинг бу саҳифалари яна бир сабаб билан қадрлики, нафақат шоҳ, балки маърифатпарвар, фан арбоби сифатида дунёга танилган Мирзо Улуғбек номи билан аталувчи туман Кенгашига яқинда депутат этиб сайландим. Буюк аждодларнинг ўгитлари маънавий меросимизга айланиб, бугунги давлат сиёсатида давом эттирилаётганидан беҳад қувонамиз. 2018 йил 2 февралда Президентимиз томонидан "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилиниб, унинг ижроси ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётгани сўзимиз исботидир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, халқ турмуш тарзини тубдан яхшилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилишини таъкидлагани барчамизни янада хурсанд қилди.

**— Ҳаётда ўзингиз учун кимни ибрат сифатида кўрасиз?**

— Жамоат ва давлат арбоби, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева — мен учун ўрнак шахс, илм-фанда эса академик Сайёра Рашидовадан ибрат олишга интиламан. Ҳаётдаги "йўлчи юлдузим" бу — менинг онам — Элла Янбарисова. Бу инсон, мана, кўп йиллар давомида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактабини ўз билими, тажрибаси ва ақл-заковатини бахшида этган ҳолда бошқариб келади. Ўқитувчилик — оиламиз анъанаси, бувам, дадам ва катта акам ҳам касб-кори бўйича педагог...

Таълим муассасамиздаги талаба-қизларга илм-фанга масъулият билан қарашда ўзим ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан. Нефть соҳаси — эркаклар касби деган тасаввурларга қарамасдан, тизимда аёллар салмоғининг ортиб бораётгани мени мамнун қилади.

**— Ўзингиз гап очдингиз, бугунги кунда И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳаётида аёл ўқитувчиларнинг роли қандай? Олий ўқув юртидаги таълим-тарбия жараёни ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Ҳозирги кунда таълим масканида профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларининг 40 фоизидан ортиғини аёллар ташкил қилади. Филиалда нефть-газ тармоғи учун кадрлар тайёрлашда аёл ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон Президентининг беш муҳим ташаббуси доирасида амалга оширилаётган тарбиявий ишларнинг аҳамияти катта. Филиалда бугунги кунда ўнлаб фан ва илмий тўгараклар, спорт секциялари, талабалар илмий жамияти, "Рандеву" театр жамоаси самарали фаолият олиб боряпти. Талабалар "Нима? Қаерда? Қачон", "Қувноқлар ва зукколар" беллашувлари, ижтимоий ҳамда экологик тадбирлар, маҳорат дарслари ва турли учрашувлар ташкил этиб, ижодий ташаббус кўрсатмоқда, илмий лойиҳалар ҳамда маърузаларни уюштиришда муваффақиятли қатнашмоқда.

Филиалда физика, математика, кимё, геология каби аниқ фанларни ўрганишга алоҳида урғу берилади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан таълим соҳасида қўйилган долзарб вазифаларга мутаносибдир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва "Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан илмий фаолият, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган ҳар тарафлама эътиборни эътироф этиш зарур. Ўзларининг самарали меҳнатлари билан устозлар малакали ва профессионал кадрларни тайёрлашнинг юқори даражасига эришмоқдалар. Шунингдек, аёлларга эҳтиром бўлажак нефть кончилари, муҳандислари, лойиҳачиларининг жамиятнинг маданий ҳаётида фаол, мард, жасур ва фидойи мутахассислар бўлиб камолга етишига ҳисса қўшяпти.

**Надежда И суҳбатлашди.**

Реклама ўрнида

**Маълумот учун:**

Ёш ва истиқболли биолог олима Эльзара Юзликаева олий таълим муассасасининг қобилиятли талаба-қизларига ва ходимларига илмий тадқиқот фаолиятида ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Натижада доцент аёллар сони ортди, докторлик илмий ишлари кўламидаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда. У кўп сонли фан тўгараклари ва секциялари ташкил қилишда ҳам ташаббускор бўляпти. Унинг шахсан кўмагида таълим даргоҳида кўплаб республика ва халқаро даражадаги илмий-амалий анжуманлар юксак савияда ташкил қилинди ва ўтказилди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Э. Юзликаева халқаро алоқаларни ривожлантиришда ҳам жонбозлик кўрсатиб келяпти. Жумладан, унинг бевосита иштирокида таниқли хорижий олий ўқув юртлари — Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети ва Pandit Deendayal Petroleum University (Ҳиндистон) билан илмий ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган.

## Куюнчаклик

# Она замин ҳаммамизники

### Уни талон-торож қилиш кўрнамакликдан бошқа нарса эмас.

*Ёшим тўқсонда. Телевизордан муҳтарам Президентимизнинг пурмаъно сўзларини эшитиб, хурсанд бўлиб ўтираман. Бугун қишлоқ аҳлига, ер эгаларига, фермерларга жуда катта имкониятлар, имтиёзлар берилди. Давлатимиз раҳбари юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги учун барча жабҳада жуда катта, тарихий ишларни амалга оширмоқдалар.*

Халқимиз биздан рози бўлсин, бой-бадавлат бўлсин, олиб борилаётган ислоҳотлар натижасини эртага эмас, бугун кўрсин, деб қанчадан-қанча Фармону қарорлар чиқармоқдалар, тиним билмай изланмоқдалар. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш борасида ҳам бeқиёс чора-тадбирлар кўриляпти. Мана, бу йилдан пахта, ғаллага давлат буюртмаси ҳам бекор бўляпти. Ер эгасининг ўзи ишлаб чиқарувчи билан бевосита шартнома тузиб ишласин, тер тўкиб етиштирган ҳосилини ўзи сотсин, меҳнатига яраша яшасин, барака топсин, демоқда Юртбошимиз. Ҳеч қачон, ҳеч бир даврда бунақаси бўлганмас, деҳқонга ҳеч ким бунчалик қайишган, эмин-эркинлик берган эмас.

Лекин телевизордаги лавҳаларни томоша қилиб, матбуотни кузатиб, баъзи бир қуйи тизим раҳбарлари, айрим ҳокимлар, ер эгалари — фермерларнинг иш тутимини кўриб, юрагим туз сепгандек ачишади. Мен не дейман-у қўбизим не дейди, демоқчи, Президентимиз жон куйдириб нималар деяптилар-у, ундайларнинг қилаётган ишларини қаранг-да! Сирдарёни кўрсатишди, Жиззахни кўрсатишди, Хоразмни... Қаранг, юзлаб гектар суғориладиган, бўрсилдоқ ерларни ноқонуний, кимларгадир ўзларича, ими-жимида бериб юборишибди! Бу қанақаси? Бу ахир кўрнамаклик эмасми? Хўп, бу ҳеч бир куракда турмайдиган номаъқул ишнику ҳоким, фермер ёки ер тузувчи қилибди. Хўш, ўша ҳудуддаги қонунлар ижросини назорат қилиши керак бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг кўзлари қаёқда эди? Улар нега бу ишларни сезиб сезмасликка, билиб билмасликка олиб юришди? Қолаверса, кенг жамоатчилик, маҳалла фаоллари, бизга ўхшаган кўпни кўрган кексалар нега шу пайтгача сукут сақлаб келдик? Бу ишлар тагида тамагирлик, порахўрлик, коррупция ётганлигини билмасмидик ё? Менимча, бундан буён лоқайдлик, бепарволик иллатларидан тезроқ халос бўлишимиз, барча жойда жамоатчилик назоратини кенг йўлга қўйишимиз керак.

Ер — бебаҳо бойлигимиз. Бизни боқадиган ҳам, ёшимизни яшаб, ошимизни ошаб ўтганимиздан кейин бағрига оладиган ҳам шу ер, шу замин. Уни бежиз онага қиёслаб Она ер, демайдилар. Юқоридаги ҳолатлар, баъзи катта-кичик раҳбарларнинг қилмиши эса ерга, элга хиёнатдан ўзга нарса эмас. Сўзи бошқа-ю, иши бошқа бундай кимсалар қилмишига ҳуқуқий баҳо беришнинг пайти аллақачон келган, деб ўйлайман. Бундайларга қарата, "фақат ўзингни, ўз манфаатингни ўйлаб осон, мўмай даромад илинжида Она еримизни талон-торож қилма, булғама, кўзингни оч!" дегим келади.

**Жўрахон ота УМРЗОҚОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг «Ўзэнерготаъминлаш» АЖ

**томонидан «Иссиқлик электр станциялари» АЖ корхоналари эҳтиёжи учун қуйида илова қилинган рўйхат асосида бирламчи ўт ўчириш воситаларини сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилинади.**

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўт ўчириш шчити | тўплам | 38 |
| 2. | Намат | дона | 133 |
| | **Босимли ўт ўчириш енги:** | | |
| 3. | ПК д 51 10 бар | дона | 262 |
| 4. | ПК д 66 10 бар | дона | 182 |
| 5. | ПК д 77 10 бар | дона | 30 |
| 6. | ПЧ д 51 16-20 бар | дона | 158 |
| 7. | ПЧ д 66 16-20 бар | дона | 68 |
| 8. | ПЧ д 77 16-20 бар | дона | 114 |
| | **Сўрувчи ўт ўчириш енги** | | |
| 9. | д 75 | дона | 18 |
| 10. | д 125 | дона | 28 |
| | **Ўт ўчиргич O'z Dst 1059:2010, O'z Dst 2589:2012** | | |
| 11. | ОП-5 | дона | 227 |
| 12. | ОП-10 | дона | 110 |
| 13. | ОП-25 | дона | 22 |
| 14. | ОП-50 | дона | 47 |
| 15. | ОУ-5 | дона | 166 |
| 16. | ОУ-8 | дона | 17 |
| 17. | ОП-25 | дона | 59 |
| 18. | ОУ-40 | дона | 34 |
| 19. | ОУ-80 | дона | 15 |
| 20. | Кабелга ишлов берувчи оловбардош бўёқ | тн | 5 |
| 21. | Темир қурилмага ишлов берувчи оловбардош бўёқ | тн | 3 |
| 22. | Ўт ўчириш устунчаси (КП) | дона | 14 |
| 23. | Ўт ўчириш жўмраги 0,75 - 1,0 - 1,5 м. | дона | 25 |
| 24. | Бирлаштирувчи қалпоқча ГР-50 - ГР-70 | дона | 460 |
| 25. | Қўл стволи РС-50, РС-70, СРК-50 | дона | 137 |
| 26. | Лафетли ствол ПЛС-20П | дона | 22 |
| 27. | Қуруқ қувур тиқини | дона | 124 |
| 28. | Жўмрак (кран вентиль) ДУ-50 | дона | 212 |

**Ўз таклифингизда қуйидагиларни маълум қилишингизни сўраймиз:**

- маҳсулот бирлигининг баҳоси ҚҚС билан;
- тўлов шартлари;
- етказиб бериш шартлари;
- етказиб бериш муддати;
- кафолат муддатлари.

Маҳсулот янги, жорий ишлаб чиқаришдаги мансублик сертификати мавжудлиги билан.

***Таклифлар 2020 йил 10 апрелга қадар қабул қилинади.***

**Ўз таклифингизни қуйидаги манзил бўйича жўнатишингизни сўраймиз: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар ГЭС» қишлоғи, Ипакчилик кўчаси, 3-уй, e-mail: uzet-14@mail.ru, tto_uzet@mail.ru**
**Маълумот учун телефонлар: 99-814-00-56, 99-404-00-56.**

1528/120




Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбек Миллий академик драма театри жамоалари Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, Бобур халқаро мукофоти соҳиби
**Мақсуд ЮНУСОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати меҳнат жамоаси

Ўзбекистон халқини

## Наврўз айёми

билан табриклайди!

Кўп асрлик инсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ушбу байрам улуғворлик ва бунёдкорликка даъват рамзидир. Наврўз сизга тинчлик, омад ва оилавий фаровонлик олиб келишига тилакдошмиз.

---

Фасллар келинчаги — баҳорнинг илк ойида нишонланадиган улуғ айём —

## Наврўз муборак!

Янгиланиш ва бунёдкорликка ошуфта қалбларга ҳамиша хотиржамлик тилаймиз. Омад ва муваффақият барчамизнинг доимий ҳамроҳимиз бўлсин. Минг йиллардан буён ўзлигимиз рамзи сифатида қадрланиб келинаётган Наврўзи олам муборак, муҳтарам юртдошлар!

«O'zbekiston metallurgiya kombinati» aksiyadorlik jamiyati.

---

«Олмалиқ КМК» АЖ

юртдошларимизни

## Наврўз айёми

билан муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хотиржамлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака, фаровонлик тилайди. Баҳор байрами муборак бўлсин!

---

1926

BEKABAD CEMENT

Ҳурматли юртдошлар!

Сизни

## Наврўз

тантанаси билан табриклаймиз!

Мана шу қутлуғ кунда сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз. Наврўзи олам юртимизга омонлик, қут-барака олиб келсин. Осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин. Наврўз муборак!

«Бекободцемент» АЖ жамоаси.


SANOAT QURILISH BANK
21 март
«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси
Ўзбекистон аҳлини Наврўзи олам билан қутлайди!
Баҳор нафаси, Наврўз шукуҳи йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин!
Хизматлар лицензияланган.


QQB QISHLOQQURILISHBANK
барча юртдошларимизни
Наврўзи олам
билан қутлайди.
Фурсатдан фойдаланиб, сизга янги уй олиш учун қулай шартлардаги
ипотека кредитларини
таклиф этамиз.
Кредит фоизлари: қишлоқ жойларда — 20 %
Кредит фоизлари: шаҳар жойларда — 21 %
Кредит фоизлари: Тошкент шаҳрида — 22 %
Ипотека кредити муддати — 15 йил.
«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!
78-150-93-39.
www.qqb.uz
Хизматлар лицензияланган.


30 йил
TURON BANK
Барқарорлик белгиси!
«Туронбанк» АТБ жамоаси
халқимизни баҳор ва янгиланиш байрами —
Наврўз айёми билан муборакбод этади!
«Туронбанк» АТБ юртдошларимизга миллий валютадаги
«Жавоҳир»
муддатли омонат турини таклиф этади.
Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси: 21% — 23%.
Омонат муддати: 12 — 36 ой.
Омонатга ҳисобланган фоизлар
ҳар ойда тўлаб борилади.
Шунингдек, «Туронбанк» АТБ сизга миллий ва хорижий
валюталарда жозибадор шартларда муддатли, жамғарма
ва онлайн («MyTuron» иловаси орқали) омонатларини
таклиф этади.
www.turonbank.uz
turonbank turonbankuz turonbank
99895 144-60-00
Хизматлар лицензияланган


AGROBANK
Жонажон диёримизга барчамиз
орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар айём —
Наврўзи олам кириб келмоқда.
«Агробанк» жамоаси
ана шу қутлуғ байрам — шарқона янги йил билан
барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади!
Сиз азизларга
сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, оилаларингизга
тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака
ҳамда иқтисодий
фаровонлик тилайди!
/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасидан юклаб олинг.
App Store
Google Play
www.agrobank.uz
Телефон: 71-203-88-88.
Хизматлар лицензияланган.


EPSILON
development company
Ассалом,
Наврўз!
Йилбошининг
қадами
қутлуғ
келсин!
Барчамизга
байрам
муборак,
азизлар!
Нурота тоғлари

# ЎЗБЕК ҚОРАКЎЛЧИЛИГИНИНГ МАВҚЕИНИ ТИКЛАЙ ОЛАМИЗМИ?



1

— Қўйларнинг чўл иқлимига мос, асл қоракўл зотларини ота-боболаримиз турли навларни узоқ йиллар мобайнида танлаб, чатиштириш орқали яратишган, — дейди Самарқанд ветеринария медицинаси институти олими, доцент Эркин Шаптаков. — Бу заргарона зукколик ва чидам талаб этадиган жараён. Қоракўл қўйлари бошқа қўйлардан фарқли равишда жуда ноёб биологик хусусиятларга эга. Улар жуда кескин континентал чўл иқлим шароитида, ўсимлик қоплами сийрак, шўр сувли, қурғоқчил яйловларда, ёз, куз ва қиш фаслларида мутлақо кўк озуқаларни истеъмол қилмасдан яшаш, урчиш, тез етилувчанлик, жадал ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини сақлаган ҳолда, қимматли маҳсулотлар берувчи қўй зоти ҳисобланади (ушбу қўйларни намлик кучли, кўк ўт яйловли минтақаларда боқиш кўзланган натижани бермайди. Тери сифати бузилиб, мўйна олиб бўлмайди. Шунингдек, бу қўйлар боқилаётган чўл ва яримчўл ҳудудларда бошқа зот қўйларни асраш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки чўлнинг ёз ойи иссиғи, қишнинг қировли кунларига улар мослашмаган).

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида сон ортидан қувиш сиёсати миллий қоракўлчилигимиз генофондига ҳам жиддий зарар етказди. Ўтган асрнинг 60 — 70 йилларида СЖК (бия қони зардоби) препаратининг қоракўлчиликда ялпи қўлланиши селекция ва наслчилик ишларини бутунлай издан чиқарди. Шунинг оқибати ўлароқ қўйлар майдалашиб (СЖКга қадар совлиқлар тирик вазнда 45 — 50, қўчқорлар 70 — 80 килограммгача тош босишган), улардан олинадиган қоракўл терилар ҳам бозор талабларига жавоб бермай қолди. Тери гули, ранги, товланиши каби харидорбоп мезонлар четга сурилди.

***— СЖК препаратининг қоракўлчиликда қўлланилиши қўйлар серпуштлигини ошириш билан бир қаторда, олинадиган қўзиларнинг тирик вазнига ҳамда тери сифатига салбий таъсир кўрсатди, — дейди Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Асрор Ҳотамов. — Натижада қоракўлчиликда қўйлар жуссасининг кичиклашиб, гўшт маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ва тери маҳсулоти сифатининг пасайишига олиб келди (тери сатҳи 900 квадрат сантиметрдан кам бўлган терилар жаҳон бозори талабларига жавоб бермайди).***

Таъкидлаш жоизки, бугун қоракўлчилик ривожланган давлатларда тайёрланаётган қоракўл мўйналар Бухоро қоракўлининг совлиқ ва қўчқорлари шажарасига бориб тақалади. Ҳатто, ўтган асрнинг 60 — 70 йилларида ҳам республикамизда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (ўша пайтлари Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти) олимлари қоракўлчилик хўжаликлари билан ҳамкорликда элликка яқин навдаги қоракўл ишлаб чиқаришнинг завод типларини яратишган эди. Бироқ сўнгги йилларда бу илмий изланишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

***— Қоракўлчиликда нав яратиш ниҳоятда мураккаб жараён, — дейди "Ўзбекистон" нави ҳаммуаллифи Мустафо Эгамқулов. — Ушбу нав устида саккиз йил иш олиб борганмиз. Бирида кўнгилдаги гулга эришсак, бошқа тарафдан кўзланган ранг чиқмас ёки қўчқор ёхуд совлиқ авлодидаги ранг ва гул яна юзага чиқиб кетарди. Бу совлиқнинг ҳам, қўчқорнинг ҳам бир неча авлодини чуқур ўрганишни, сурувга "бегона" нав аралашмаслигини талаб этарди. Албатта, буларнинг барчаси илмий ходим билан бирга чўпондан, энг аввало, меҳнат ва шу меҳнатга муносиб моддий манфаатдорликни талаб этади.***

Айниқса, чўпон ҳақида сўз кетса, яқин-яқинларда кузатганимиз, қирқ даражалик гармселда қоронғи тушгунга қадар сурув ортида юрган, қиш чилласида тун бўйи қўйни ётқизмай ёйган заҳматкаш кишилар кўз ўнгимизга келади.

— Гармга ҳайдалмаган қўй, — дейди чорвадорлар сулоласининг еттинчи авлоди Жумабек Давлетов, — биринчидан, қишдан чиқмайди (бир ерда ётиб қолган қўйни офтоб уради), чиқсаям, бола ташлайди. Иккинчидан, ёз бўйи урчитиш мавсуми ва қишлов учун етарли вазн тўплай олмайди (шунинг учун ота-боболаримиз "учинг бирга етадими?" дейишган, яъни уч фаслда тўплаганинг бир фаслга етиши керак), учинчидан, гармга ёйилмаган қўйдан олинадиган қоракўл тери гули яхши очилмайди.

Қишдаям шундай. Тунда қўй ўт танламайди, тонггача ёйилган қўй чошгоҳгача ўзини тўқ тутса, тунги қиров қоплаган ўт-ўлан билан озиқланмайди. Ичак шамоллашига йўлиқмайди. Яйловнинг имконияти кўтарса, сурув бир кечакундузда 10 — 15 километр масофага ёйилса, бунга тенг келадигани йўқ.

Афсуски, мана шу меҳнат, таъбир жоиз бўлса, уқубатга дош берган чўпонлар меҳнатига ҳақ тўлаш аввалига жамоа, кейинчалик ширкат хўжаликлари мақомида "фаолият" юритган қоракўлчилик субъектларида номигагина амалга оширилди. Чорвадор елкасини яғир қилган бу инқироз даврида фаолиятини чорвага бағишлаган чўпонларнинг аксарияти бугунги кунда 500 — 600 минг сўм атрофида пенсия олаётганлиги улар қанча ойлик маошга ишлашгани ойнаси, десак, хато бўлмайди.

Табиийки, меҳнатга тўланган кам ҳақнинг қолганини чўпон мол алмаштириш (бозорга бақувват қўй ёки қўчқорни чиқариб, номигa ўрнига ўрин келтириб қўйиш) билан қоплади. Буни ҳам эплолмаганлар, чорвадорлик сулоласининг давомийлигига якун ясади. Турли ҳудудларга кўчиб кетишди. 50 — 60 минг қўйга етарли яйловлар ва ўнлаб отарлар ҳувиллаб қолди. Қўй-қўзиси бор отарларнинг чўпонларини эса бугун ўзининг шахсий молларини сариштa қилиш омилигина Қизилқумда ушлаб турибди.

## Ўзибўларчилик оқибати

Деҳқон деҳқондан қолса, бир йилда, чўпон чўпондан қолса қирқ йилда етади, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам, чорвадорнинг бир йилда бой бергани ўрнини тўлдириш учун узоқ йиллар омилкорлик ва тежамкорлик билан иш тутиши лозим бўлади. Боиси чорвачилик, айниқса, қоракўлчиликда чўпон йилда бир бор унум олиб, асосан, шунинг ортидан хўжалигини юритган. Шу сабаб чорвадорнинг йил давомидаги заҳмати, ҳатто ҳузур-ҳаловати сурувнинг райига қаратилиб, тажрибали чўпон йилда икки-уч бор яйлов алмаштириш орқали молини тўқ ва семиз тутган. Қишлов мавсуми қанчалик рутубатли ва серёғин келмасин, қўй вазни ёрдамида унга бас келишган.

"Ғозғон" наслчилик МЧЖда Абдуҳаким Бомуллаев оиласи билан чўпонлик қилаётган Жумабой қудуқ отарига бордик. 4-5 километрча атрофидаги масофанинг ҳар бирида 400 — 500 бош қўй-эчкиси бор чорва отарлари жойлашган. Бундан ташқари, чўпоннинг шахсий чорваси ҳам бир-бирига туташиб кетган шу ҳудуддаги ердан озиқланади.

"Яйлов тор эмасми?" деган саволимизга чўпон "начора, бори шу-да", дегандек елка қисади. Жамиятнинг бош чорвашуноси эса 2017-2018 йилларни эслаб, йигирмага яқин отарлар сурувлари қўшни Навбаҳор ва Томди туманларидаги яйловларга кўчирилганлигини таъкидлайди.

Тўғрисини айтсак, қоракўлчиликда асосий кўрсаткичлар узоқ йиллар чорва бош сонини ошириш билан баҳоланди. Чунки асосий маҳсулот — қоракўл теридан хўжаликка наф ниҳоятда кам. Шу боис сон ортидан қувиш яйловларнинг деградациясини юзага келтирса-да, ўстиришга қўзи қолдириш мақбул топилди. Тўрт-беш километр айланасида тўрт отар сурувининг ҳар куни бориб-қайтавериб, яйловни топташи, кўзланган унум ва кутилган вазнни бермаслиги эса инобатга олинмади. Ваҳолонки, қоракўл тери сифати яйлов ҳосилдорлиги ҳамда турли ўт-ўланларга бойлигига бевосита боғлиқ.

— Масалан, шувоқ таркибида олтин борлиги тасдиқланган факт, — дейди Навоий "Қоракўл" уюшмаси раиси ўринбосари Жумабек Сулейманов. — Сур ва шобдор териларнинг тилладай товланиши, ҳақиқий Бухоро қоракўлининг довруғиям шундан.

Ҳудудининг қарийб тўртдан уч қисми яйловлардан иборат мамлакат учун яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат — "Яйловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши чорвачилик соҳаси ривожи йўлида чинакам қадам бўлди.

***— Узоқ йиллар яйлов омили эътиборга олинмади, — дейди Навоий "Қоракўл" уюшмаси раиси Улуғбек Халилов. — Соҳанинг ортга кетиши кўп жиҳатдан яйловлар ҳолати, улардан фойдаланишда ўзибўларчиликнинг оқибатидир. Сабаби яйловнинг ҳосилдорлиги фақатгина ёғингарчиликка эмас, уни муҳофаза қилиш, ундан озиқланадиган чорва сони, яйлов алмаштириб туришнинг қатъийлигига ҳам боғлиқ.***

— Қоракўл қўйлари йил бўйи чўл ва адир яйловларида боқилиб, уларнинг йиллик озуқага бўлган эҳтиёжи ушбу табиий яйлов озуқалари ҳисобидан 95 фоизгача қондирилади, — дейди СамВМИ проректори, ветеринария фанлари доктори Асадулла Даминов. — Шунинг учун қўйларнинг асосий маҳсулдорлик кўрсаткичлари табиий яйловлар ҳосилдорлигига бевосита боғлиқ. Табиий яйловларда бир бош қўзини эмизадиган қўй бир кунда 8-9 кг., ҳосилдорлиги юқори бўлган яйловларда 8 — 12 кг. яшил массани истеъмол қилади, 3 — 5 ойлик қўзиларнинг эса 4 — 6 ва 5 — 7 кг. атрофида истеъмолга эҳтиёжи мавжуд. Яйловлардан самарали ва экологик жиҳатдан унумли фойдаланишни ташкил этишда мавсумлар бўйича фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун қўйчилик хўжаликларида қўйларнинг бош сонига мос яйловлардан мавсумий фойдаланиш режаси тузилиши лозим.

## Бир қўйни соғлом сақлаш қанчага тушади?

— Ўтган йили бир метр квадрат майдондаги ўт-ўлан хилмахиллиги 12 турни ташкил этди, — дейди "Ғозғон" наслчилик МЧЖ бош чорвашуноси Ҳамза Ҳасанов. — Шундан учтаси янги бўлса, кўп йиллардан буён кўринмай кетган каррак, нўхатак ва ёввойи ялпиз каби ўт-ўланлар ҳам ўтган йил униб чиқди.

Яна бир гап. Илгари саксовулзор ва изензорлар қишлоқларга туташиб кетганди. Қор қалин тушганида қўй-эчки саксовул, жузған ва изен новдалари билан озиқланган. Уларнинг йўқ бўлиб кетиши сабаби фақат қурғоқчиликда эмас, назаримизда.

Вилоятнинг аксарият қоракўлчиликка ихтисослаштирилган ҳудудларида аҳоли суюлтирилган газ, кўмир билан қанчалик аъло даражада таъминланмасин; қишлоқ, овул ва қўрғонларда тандир-ўчоқ ўтини (саксовул ва шувоқ) яйловнинг зиммасида. Ачинарлиси, саксовулнинг трактор билан қайириб, шувоқнинг кетмон ёрдамида таг-томири билан олиниши туфайли яйловларга узоқ йил ўнгланмас зарар етди. Шунингдек, турли ҳашаротлар, айниқса, чигиртка хуружлари яйловларни абгор қилди.

> *Жаҳон мўйначилиги тарихида Бухоро қоракўлининг ўз ўрни бор. Тарихчи ва сайёҳлар ушбу заминда қоракўлчилик ривожланганлигини ўн биринчи асрдаёқ қайд этишган. Буюк Ипак йўлининг карвонлари Европага бораркан қоракўл тери асосий маҳсулотлардан бири саналиб, Бухоронинг сур, шобдор қоракўл терилари ўз даврининг бозорларида қўлма-қўл бўлган ва ҳатто айрим бозорларда ўзаро тўлов бирлиги сифатида қабул қилинган. Бу ҳозирги замон тили билан айтганимизда, маҳсулотнинг юқори ликвидлигидан далолатдир.*

...Ғозғондан қайтарканмиз, Деҳибаланд атрофида сичқоннинг думидек диккайб қолган шувоқ новдаларидан бўлак хўрак кўзга ташланмайди. Ўн — ўн беш сантиметр қалинликдаги қор бир ой ётса, шу атрофнинг суруви нима билан озиқланарди, деган савол хаёлимиздан ўтади.

Чорвачиликнинг оддий меъёрларига кўра, яйловдан озиқлана олмаган бир бош қўйни соғлом сақлаш учун кунига камида 5 килограмм сомон керак бўларкан. Бир ойга бу 150 килограммни ташкил этади. Бир дона зичлаб боғланган сомонни 10 — 12 килограмм деб олсак, ойига 15 та дегани. Бозорда эса унинг бир донаси 15 минг сўмдан бўлса, бир қўйга бир ойлик хашак харажати 225 минг сўмга бориб қолади. Унга қўшимча 150 — 200 грамм омихта ем берилса, бу ҳам камида 12 минг сўм. Борингки, бир қўйга қишлов учун 230 минг сўм сарфланди, деб ҳисоблаганимизда ҳам тўрт юз бошли отар учун бу миқдор 92 миллион сўм дегани. Бунга чорвадорнинг маоши, сув тортиш ва транспорт, жун қирқими, эмлаш учун дори-дармонлар харажатларини қўшиб ҳисобласак, уч қўйдан бири иккисини сақлаб қолиш учун сарфланиши ойдинлашади.

## Дастлабки қадам

Халқимизнинг миллий бойлиги — қоракўлчиликнинг қадим шоншуҳратини тиклаш эндиликда, асосан, Навоий вилояти чорвадорлари зиммасида, десак муболаға эмас. Президентимизнинг 2019 йил 16 августдаги "Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи чоғида соҳа равнақи билан боғлиқ белгилаб берган вазифалар Қизилқумда узоқ йиллар депсиниб, ортга кетаётган соҳа фаолиятига турткі берди. Ушбу қарор билан 2019 — 2023 йилларда қоракўлчилик хўжаликларига экспортга сотилган ҳар бир дона қоракўл териси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 50 минг сўмдан ва ҳар бир дона қоракўлча териси учун 75 минг сўмдан субсидиялар ажратиш, қоракўлчилик хом ашёлари асосида яратиладиган ноёб дори воситалари — иммунитетни тикловчи "Тимоптин инъекцияси" ва камқонликда қўлланиладиган "Эритим" препаратларини ишлаб чиқаришни 10 бараваргача ошириш чораларини кўриш ва ушбу мақсад учун талаб этиладиган маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Навоий вилоятида қоракўл зотли қўйларнинг сур ранги бўйича, Қашқадарё вилоятида қора ва кўк ранги бўйича юқори элита синфли наслдор қоракўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган Илмий-наслчилик тажриба станцияларини ташкил этиш белгиланди.

Шу асосда Навоий вилояти ҳокимининг қарори қабул қилиниб, 2019 йилдан эътиборан Конимех туманида "Навоий-Қоракўл" уюшмаси томонидан ҳар йили қоракўлчилик субъектларига наслли қўчқор ва қўйлар етказиб беришга ихтисослаштирилган "Навоий наслчилик тажриба станцияси" унитар корхонаси ташкил этилди. Станция учун 40 минг гектар яйлов, маҳаллий бюджетдан жами 10 (5+5) миллиард сўм ажратилиб, 2019 йилда шу ҳисобдан вилоятнинг наслчилик хўжаликларидан 4200 бош сур қоракўл зотли майда шохли моллар сараланиб, харид қилинди. Олтита чорва отари, жумладан, ҳар бирида замонавий чўпон уйи, ҳаммом ва бошқа санитария хоналари, шунингдек, молхона, хашакхона, емхона, отхона ва чорва учун зарур барча ёрдамчи иморатлари билан қурилиб, жами 9 та (8 та совлиқ+1 та наслли қўчқор) чорвачилик отари ташкил этилди. Шуларнинг бештасида чорва учун ичимлик суви қудуғи қазилиб, сув чиқариш мосламалари ўрнатилди. 2019 йил қишлови учун 7 минг дона зичлаб боғланган хашак захираси яратилди.



*"Шувоқ таркибида олтин борлиги тасдиқланган факт. Сур ва шобдор териларнинг тилладай товланиши, ҳақиқий Бухоро қоракўлининг довруғиям шундан".*

Бугун станциядаги чўпонларга ҳар бир бош қўй учун 5,5 минг сўмдан иш ҳақи тўланмоқда, ҳар бир отарда ўртача 500 бош қўй борлигини инобатга олсак, чўпон 2,5-2,75 миллион сўм иш ҳақи олмоқда. Бундан ташқари, меҳнат шартномасида уларнинг якуний самарадорлигига қараб рағбатлантириш ҳам назарда тутилган.

***— Вилоятимизнинг Қизилқумдаги қоракўлчилик фермер хўжаликларини наслли қўй ва қўчқорлар билан таъминлаш станциямиз фаолиятининг асосий вазифаси этиб белгиланган, — дейди станция директори Қанат Тулембоев. — Шу мақсадда Самарқанддаги Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти олимлари билан беш йил муддатга учта шартнома тузганмиз. Жорий йилда олинадиган қўзининг 70 фоизини ўстиришга қолдириш режалаштирилган.***

Шунингдек, Конимех туманида "Қоракўл-Жозибаси" МЧЖ томонидан қўй ва қоракўл терига дастлабки ишлов бериш корхонаси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг "Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 800 миллион сўм кредит ажратилиб, йилига 150 минг дона терини қайта ишлаш дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди. Мазкур корхона туфайли Конимех туманининг Шўркўл қишлоғидан йигирма киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Бундан ташқари, Нурота туманидаги "Истиқлол қоракўлчилик наслчилик" МЧЖ базасида қиймати 7 миллиард сўмга тенг бўлган, йилига 10 минг тонна гранула ем ишлаб чиқариш қувватига эга корхона қурилиши амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар цех бинолари қурилиб, дастгоҳлар учун 1,5 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Ушбу корхонанинг фойдаланишга топширилиши гранула ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали туман хўжаликларининг қишлов даври учун кучли концентратли озуқага бўлган талаби таъминланишини яхшилайди. Шунингдек, мазкур хўжаликнинг ўзида қоракўл қўйларнинг бўрдоқичилиги ташкил этилиб, репродуктивлигини йўқотган моллар боқилади. Мазкур корхонада жорий йилдан бошлаб, 3 минг дона ва келгуси йилларда 5 — 10 минг дона экспортбоп қоракўлча тери етиштириш ҳам йўлга қўйилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари 2018 йилда Навоий вилоятига ташрифини олис Томди туманидан бошлади. Бу 40 йиллик танаффусдан сўнг ушбу туманга мамлакат раҳбарининг илк ташрифи эди. Ҳудуд фаоллари билан ўтказилган мулоқотда аҳолини узоқ йиллардан буён ташвишга солиб келаётган муаммолар, хусусан, чорвачиликнинг, бинобарин, чорвадор ҳамда унга боғлиқ инфратизим меҳнаткашларининг эртаси ўртага ташланди. Чунончи, бир пайтлар Томдида 1,5 миллионга яқин қоракўл қўйлари боқилгани, деярли барча муҳандислик-коммуникация тармоқларидан йироқ ҳудудда чорвачилик аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг мақбул соҳаси эканлиги, истиқболда уни ривожлантириш орқали қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган кичик ишлаб чиқариш корхоналари очиш хусусида сўз юритилиб, вазифалар белгиланди. Шу асосда Навоий кон металлургия комбинати томонидан қўшни Қозоғистон Республикасидан 444 бош туя келтирилиб, туманда 8 та туячилик отари ташкил этилди.

## Иш билганга минг танга...

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимизнинг "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа равнақида мутлақо янги саҳифа очиши, шубҳасиз. Зеро...

— Қарорда чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорликни ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш, чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлил қилиниши ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш, чорвачиликнинг барча тармоғи фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш, наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш каби масалалар қамраб олинган, — дейди Навоий "Қоракўл" уюшмаси раиси Улуғбек Халилов. — Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш, хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қўй-эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўмдан давлат томонидан субсидия ажратиш белгиланган. Яйловларнинг ҳосилдорлигини тубдан яхшилаш, чўлланишнинг олдини олиш ва тиклашнинг кафолатли йўли — яйлов алмашинишини таъминлаш вазифалари қайд этилган. Қолаверса, мазкур тадбирлар туфайли табиий ўтлатиш орқали гўшт етиштириш ҳажми ва сифати яхшиланади. Бу эса аҳоли фаровонлигини акс эттирувчи муҳим омиллардан биридир. Боиси табиий йўл билан етиштирилган гўшт бозорларга кириб келмас экан, бўрдоқичилик орқали олинган гўшт истеъмолга урвоқ ҳам бўлолмаслиги қадим-қадимдан исботланган. Бунга ўтган йил воқелиги яққол далил.

Умуман айтганда, чорвага табиат ҳар доим қарашган, бироқ ундан самарали фойдаланилмас экан, шубҳасиз, инқирозга олиб келади. Бунинг оқибати эса, афсуски, йиллар давомида тикланиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**





Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 140 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6766

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуна расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.30 Топширилди — 05.30 1 2 3 4 5 6